

# SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№7 (3) 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SCP1342V3I7Y2023

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 7 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

### **Crossref DOI:**

Тахририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

### **Тахририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Usmonov Axrorjon Rustamjon o'g'li*  
AMALIY SAN'AT BILAN BOG'LIQ NOMODDIY MADANIY MEROSLAR ..... 9-15
- Зоҳидов Қобилжон Тоиржонович*  
ИЛК АРАБ-МУСУЛМОН ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА МАДИНА ШАҲРИНИНГ ЎРНИ ..... 16-20
- Siddiqov Mirshod Baxtiyorovich*  
SOVET HOKIMIYATINING QORAQALPOG'ISTON ASSRDA IJTIMOIIY TA'MINOT  
SIYOSATI ..... 21-26
- Хайназаров Баҳромжон Бахтиёрович*  
КАСПИЙОРТИ ВИЛОЯТИДА ТУБ БЎЛМАГАН АҲОЛИ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ТАЪЛИМ  
ТИЗИМИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН  
(XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ) ..... 27-32
- Мансуров Музаффаржон Шарифжон ўғли*  
СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ТУРИЗМ ТАРҒИБОТИДА  
ТУТГАН ЎРНИ ..... 33-41
- Bobodustov Bobur Mirzaboyevich*  
ZARAFSHON DARYOSIDAGI SUV AYIRG'ICH TIZIMLARINI TA'MIRLASHGA ROSSIYA  
IMPERIYASI MA'MURIYATINING MUNOSABATI ..... 42-47
- Саидбобоева Гулзора Нематжоновна*  
XX АСРНИНГ 30–50-ЙИЛЛАР ДАВРИЙ МАТБУОТ МАТЕРИАЛЛАРИ – РЕСПУБЛИКАНИ  
ЭЛЕКТРЛАШТИРИШГА ОИД МАНБА ..... 48-55

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Казаков Олим Сабирович*  
ЕТАКЧИЛИК ТАЪСИРИДА БОШҚАРУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ..... 56-60
- Utkirov Abbas Meyliyevich*  
CHALLENGES IN IMPLEMENTING TQM IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS ..... 61-67
- Umrinov Eldorbek Sodirovich*  
TURISTIK KORXONALAR DOIRASIDA TADBIRKORLIK FAOLIYATINI TASHKIL ETISH VA  
RIVOJLANTIRISHNING IQTISODIY ASOSLARI ..... 68-76
- Норбоев Аллаёр Исмоилович, Тулкинов Гайрат Кадилович*  
ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ И НАПРАВЛЕНИЯ МЕНЕДЖМЕНТА В РАЗВИТИИ МОЛОДЁЖНОГО  
ТУРИЗМА ..... 77-82
- Xolmurotov Fozil Saribayevich*  
MINTAQADA AHOLI TURMUSH FARAVONLIGINI OSHIRISHDA QISHLOQ XO'JALIK  
MAHSULOTLARINI YETISHTIRUVCHI SUBYEKTLAR RO'LINI BAHOLASH ..... 83-91
- Худайназарова Дилором Хайруллаевна*  
ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ  
РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ..... 92-100

*Гойипназаров Санжар Баходирович*  
СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ЖОРИЙ ЭТИШ НАТИЖАСИДА МЕХНАТ БОЗОРИДАГИ  
ЎЗГАРИШЛАР ..... 101-110

*Baxtiyorov Asrorbek Azizjon o'g'li*  
BANK MENEJMENTI ASOSLARI, UNING IQTISODIY MOHIYATI ..... 111-119

### **09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Юлдашев Фаррух Абдурахманович*  
АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЭХТИЁЖ ВА МАНФААТЛАРНИНГ ЎЗАРО УЙҒУНЛИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 120-126

*Тожибоев Сарвар Пулатжон ўғли*  
ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИ ..... 127-132

*Ismatov Shohruhbek Murod o'g'li*  
YANGI O'ZBEKISTONDA IJTIMOY DAVLAT BARPO ETISH VA UNING G'OYAVIY MAFKURAGA  
ASOSLARI ..... 133-137

*Abdullayev Temur Bobir o'g'li*  
TIL VA TAFAKKUR DIALEKTIKASINING BILISH JARAYONIDAGI ROLI ..... 138-143

*Islamov Kamol Tashkulovich*  
UYG'ONISH DAVRI DUNYOQARASHIDA DINIY VA DUNYOVIY YONDASHUVLAR  
NISBATI ..... 144-150

### **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Isanova Feruza Tulqinovna*  
O'ZBEK TILI XALQARO HUQUQ SOHASIGA OID LEKSIK BIRLIKLARINING FUNKSIONAL  
XUSUSIYATLARI ..... 151-160

*Ro'ziyev Elbek O'rol o'g'li*  
AMIR TEMUR VA TEMURIY HUKMDORLAR YORLIQLARIDA SIYOSIY NUTQ SHAKLLARINING  
QO'LLANILISHI ..... 161-167

*Мухамедова Феруза Баходир кизи*  
ФОРМИРОВАНИЕ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ СИСТЕМЫ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ  
А. КИМА ..... 168-174

*Abdullayev Ikramjon Xashimdjanovich*  
TILSHUNOSLIKDA SO'Z VA SO'Z TURKUMLARI: TADQIQI VA TAVSIFI ..... 175-180

*Tagayeva Sayyora Ulashovna, Inoyatillo Ozoda*  
FIZIKA FAKULTETI TALABALARIGA NEMIS TILINI O'QITISHDA INNOVATSION  
METODLARINING QO'LLANILISHI ..... 181-185

*Egamberdiyeva Mohidil Gulomjon qizi*  
MADANIYATLARARO MULOQOTDA NUTQIY ETIKETNING ANTROPOSENTRIK  
TADQIQI ..... 186-190

## **12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

- Жавлиев Нурали Баходирович*  
МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ НИЗОЛАР ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУН-МОҲИЯТИ ..... 191-195
- Узакова Гўзал Шариповна*  
БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН  
ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ (ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ)..... 196-204
- Usmanov Alisher Tolmasovich*  
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA MA‘MURIY HUQUQBUZARLIK TO‘G‘RISIDAGI ISHLARNI  
YURITISHNING SODDALASHTIRILGAN TARTIBI: MUAMMOLAR VA TAKLIFLAR ..... 205-213
- Авезова Элеонора Парахатовна*  
РАВНОЕ ПРАВО ГРАЖДАН НА ПОСТУПЛЕНИЕ В ГОСУДАРСТВЕННУЮ ГРАЖДАНСКУЮ  
СЛУЖБУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ..... 214-218
- Мукумов Бобур Мелибой угли*  
ОЦЕНКА РЕГУЛИРУЮЩЕГО ВОЗДЕЙСТВИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ  
АКТОВ ПО ИСПОЛЬЗОВАНИЮ ТЕХНОЛОГИЙ БЛОКЧЕЙН. СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ  
..... 219-224
- Туракулова Назира Абдишукуровна*  
СТАРТАП ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТУЗИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ:  
ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ..... 225-232

## **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

- Хўжамкелдиев Гафур Султон ўгли*  
СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИДА ТИКЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ ..... 233-237
- Aziz Xasanovich Rajabiy*  
BO‘LAJAK VOKAL O‘QITUVCHILARINING INTELLEKTUAL-IJODIY FIKRLASH QOBILIYATINI  
RIVOJLANTIRISH ..... 238-242
- Malikova Sevar Samatovna*  
BO‘LAJAK XOR RAHVARLARINING IJODIY QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISH ..... 243-246
- Васильченко Ольга Анатольевна*  
ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ ВОКАЛЬНО-ХОРОВЫХ НАВЫКОВ ..... 247-251
- Хојитуродова Маһлиёхон Кенжавоу қизи, Inomov Faxriddin O‘rmonjonovich*  
AN INNOVATIVE APPROACH TO THE DEVELOPMENT OF STUDENTS' MOVEMENT SKILLS  
AND COMPETENCIES IN PHYSICAL EDUCATION CLASSES ..... 252-257
- Асадуллаева Наргиза*  
БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ  
МУСТАҲҚАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁННИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ..... 258-265
- Mamadova Feruzaxon Mirzaaxmad qizi*  
BO‘LAJAK JISMONIY MADANIYAT MUTAXASSISLARINING PEDAGOGIK MADANIYATI VA  
KOMPETENSIYASINI TAKOMILLASHTIRISHNING PEDAGOGIK MODELI ..... 266-272



<i>O'ktamova Navruza Botir qizi</i> BO'LAJAK JURNALISTLARGA INGLIZ TILINI O'QITISHDA SOTSIOLINGVISTIK KOMPETENSIYANI TAKOMILLASHTIRISH (SIYOSIY-IJTIMOIIY MATNLAR MISOLIDA) .....	273-277
<i>Humonjonov Shoxzodbek Dilshodjon ўғли</i> ОЛИЙ ТЕХНИКА ТАЪЛИМИДА МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОН МЕТОДИК АСОСЛАРИНИНГ ИЛМИЙ АҲАМИЯТИ .....	278-287
<i>Xuramov Ilxom Panjiyevich</i> PROFESSIONAL TA'LIM TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH YUZASIDAN ISLOHOTLARNI JADALLASHTIRISH VA KASBIY KO'NIKMALARNI RIVOJLANTIRISH .....	288-292
<i>Azizbek Umarov</i> MEDIATA'LIM – TALABALARNING MEDIA MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHGA YO'NALTIRILGAN FAN TARMOG'I SIFATIDA .....	293-299
<i>Saidova Zilola Gadoymurodovna</i> TA'LIM INTEGRATSIYASINING AYRIM MASALALARI .....	300-307
<i>Raxmonova Gulrux Ulashevna</i> O'ZBEK XALQINING MILLIY HARAKATLI O'YINLARIDAN JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA SAMARALI FOYDALANISH YO'LLARI .....	308-312
<i>Boynazarova Sayyora Ruzikulovna</i> BIOLOGIYA O'QITUVCHISI KASBIY KOMPETENSIYALARI VA KOMPETENTLIGINI MONITORING QILISHNING MAVJUD METODIKASI VA UNI TAKOMILLASHTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI .....	313-317
<i>Shermuhammadov Bahodirjon, Xasanova Ozodaxon Qurvonali qizi</i> MDH OLIMLARI TOMONIDAN CHET TILLARNI O'RGANISHDA UCHRAYDIGAN XATOLAR MAVZUSIDA OLIB BORGAN TADQIQOTLAR TAHLILI .....	318-323
<i>Abdusalimova Nargizaxon Olimjon qizi</i> MAKTAB TA'LIM TIZIMIDA STEAM TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANIB FIZIKA DARSLARINI TASHKIL ETISHNING AFZALLIKLARI .....	324-329
<i>Shafiyeva Elnara, Murotmusaev Komiljon Buribaevich</i> THE CHARACTERISTICS OF MENTAL HEALTH IN ELDERLY PEOPLE .....	330-349



07.00.00 – Тарих фанлари

**Зоҳидов Қобилжон Тоиржонович**  
Тарих фанлари номзоди, доцент  
Янги аср университети

### **ИЛК АРАБ-МУСУЛМОН ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА МАДИНА ШАҲРИНИНГ ЎРНИ**

**Аннотация.** Мақолада шиаликнинг исмоилийлик фирқаси пайдо бўлиши, ал-Қоҳира шаҳрининг Фотимийлар сулоласи вакиллари томонидан қурилиши, шаҳарнинг номланиш тарихи, Фотимийлар сулоласи вакиллари, уларнинг ҳукмронлигининг ҳаққонийлиги таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Исмоилийлар, Фотимийлар, ал-Қоҳира, Жавҳар ас-Сақалий, Убайдийлар, ал-Азҳар.

**Zakhidov Kobiljon Tairdjanovich**  
PhD (doctor of philosophy) in history, Docent  
University of New Century

### **THE ROLE OF THE CITY OF MEDINA IN THE ADMINISTRATION OF THE FIRST ARAB-MUSLIM STATE**

**Abstract.** The article analyzes the emergence of the Ismaili sect of Shia, the construction of the city of al-Cairo by representatives of the Fatimid dynasty, the history of the name of the city, the representatives of the Fatimid dynasty, and the authenticity of their rule.

**Keywords:** Ismailits, Fāṭimids, al-Cairo, Javkhar al-Sakali, ‘Ubaydits, Al-Azhar.

**Захидов Кабилжан Таирджанович**  
Кандидат исторических наук, доцент.  
Университет Нового Века

### **РОЛЬ ГОРОДА МЕДИНЫ В УПРАВЛЕНИИ ПЕРВЫМ АРАБО-МУСУЛЬМАНСКИМ ГОСУДАРСТВОМ**

**Аннотация.** В статье анализируется возникновение исмаилитской секты шиитов, строительство города Аль-Каир представителями династии Фатимидов, история названия города, представители династии Фатимидов, подлинность их правления.

**Ключевые слова:** Исмаилиты, Фатимитов, Аль-Каир, Жавхар ас-Сакалыт, Ибадиты, Аль-Азхár.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I7Y2023N02>

Маккадан тахминан 350-400 км. шимолда Мадина шаҳри жойлашган. Птолемей ўзининг «География»сида бу шаҳарни «Яттриппа», Византиялик Стефан эса «Яттриппа полис» (шаҳар-давлат) деб атаган [4:162]. Мадина шаҳри «Ясриб» номи билан Қуръонда

ҳам зикр қилинади [1:425]. Қуръонда учрайдиган шаҳарнинг янги «ал-Мадина<sup>1</sup> – المدينة» номи ҳижратдан сўнг пайдо бўлди.

Ясриб тарихи ҳам шу ҳижратдан тахминан бир аср олдин, яъни VI аср бошларида ишончли тус олди, дейиш мумкин. Бу пайтда Ясриб бир неча қишлоқларга бўлинганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ҳар бир қишлоқ ўз навбатида яна икки қисмга бўлиниб, биринчиси – у ёки бу уруғга қарашли ерлар ва уйларни ўз ичига олган бўлса, иккинчиси – утм (кўплиги отом) деб аталган, девор ва дарвозалари бор қўрғондан иборат эди. Катта уруғлар бир неча утмга эга бўлишлари мумкин эди. Ташқи ҳужум хавфи туғилганда ёки уруғ эркаклари урушга кетганларида аёллар, ёш болалар ва қариялар утмга беркинардилар. Бундан ташқари уруғнинг ғалласи, қурол-яроғ ва қимматбаҳо буюмлари ҳам утмларда сақланарди. Ўз утмига эга бўлмаган, очиқ маҳаллада яшайдиган майда уруғлар ҳам йўқ эмасди. Аммо бундай уруғлар ҳам албатта бошқа йирик уруғнинг ҳомийлигида бўлмоғи зарур эди [4:163].

Ясриб аҳолиси асосан яҳудийлар ва араблардан иборат эди. Яҳудийлар катта-катта гуруҳ бўлиб яшардилар. Ҳар бири икки мингдан ортиқ одамга эга бўлган учта яҳудий қабиласи маълум: қайнуқо', надийр, қурайза. Араб адабиётида бундан ташқари 20 дан ортиқ майда ва нисбатан йирик яҳудий уруғлари номи келтирилади [4:163]. Бу фикрга Пайғамбар (с.а.в.)нинг “ас-саҳифа” шартномасида келтирилган яҳудий уруғларининг номлари далил бўла олади.

Ясрибнинг исломдан олдинги аҳолисига келсак, улар асосан 2 та қабилани ташкил қиларди: Бану Аус ва бану Хазраж. Аус ва Хазраж қабилалари ўз навбатида 5 тадан йирик ва бир қанча майда уруғларга бўлиниб, уларнинг умумий сони 40 тадан ортиб кетганди. Бундан ташқари Ясриб атрофларида Аус ва Хазраж билан хомийлик асосида боғлиқ бўлган бир қанча майда араб уруғлари яшаган [4:165].

Кўп сабабларга кўра ва уларнинг ичида энг муҳими – аҳолиси яккаю-ягона этник унсурдан таркиб топгани туфайли Макканинг идораси исломдан олдинги 2 аср давомида барқарор шаклда бўлган бўлса, Ясрибда, аксинча, бундай амри-маҳол нарса эди. Бир қабила қўлида ҳосилдор ерларнинг тўпланиб қолиши, қолаверса, этник-диний қарама-қаршилиқлар доимо низо чиқишини тақозо қиларди.

Модомики, Ясрибда яҳудий ва араб қабилалари тарихан олдинма-кейин пайдо бўлган экан, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳам ҳар хил босқичларда ўтади. Булар, биринчидан, яҳудларнинг ўзаро муносабатлари, иккинчидан, яҳудлар ва араблар муносабати ва ниҳоят, учинчидан, икки араб қабиласи – Аус ва Хазраж ўртасидаги муносабатлар [4:166].

Ясрибдаги яҳудий ва араб қабилаларининг ўзаро муносабатида тарқоқлик ҳақида профессор А.Ҳасанов қуйидагича фикр билдиради: “Дастлабки даврларда яҳудий қабилалари маҳаллий аҳолига қарши бир-бирини қўллаб-қувватлаганлар, аммо ўрнашиб олгандан сўнг улар орасида рақобат бошланганга ўхшайди. Надир ва Қурайза қабилалари кенг миқёсда деҳқончилик билан шуғулланган ҳолда Қайнуқо' қабиласининг на ери ва экини бўлмагани ва фақат хунармандчилик билан шуғуллангани бежиз бўлмаса керак. Хуллас, кўришиб турибдики, ҳижрат арафасида яҳудий қабилалари ўртасида иноқлик йўқ эди” [4:167]. Шунингдек, яҳудий қабилалари ўртасидаги беқарорлик борасида Қуръон оятлари далил қилиб келтирилади [1:19].

<sup>1</sup> Мадинат ар-Росул – مدينة الرسول Пайғамбар шаҳри

Аус ва Хазраж қабилаларининг Ясрибга кўчиб келган даврида бу ерда улардан олдин ўрнашиб қолган яҳудий қабилалари билан муносабатлари тинч, дўстона бўлди. Ясрибнинг яҳудий ва араб қабилалари дастлаб “живор” (қўшничилик), сўнг “хилф” (иттифоқ) асосида келдилар. Кейинчалик иккала томон ҳам кўплаб утм қуришга киришганлиги улар орасида ишонч йўқолгани ва муносабатлар кескинлашганидан далолат беради [4:167].

Кўриниб турибдики, Ясриб шаҳри зиддиятлар ва ихтилофлар билан тўла эди. “Буос” куни ҳар иккала томон жуда катта зарар кўрди: аҳолининг юқори табақаларидан кўплаб киши қатл этилди; ёнғин ва талон-тарож натижасида уйлар ва хусусий мулклар вайрон бўлди. Бетараф мавқеда бўлган кичик уруғлар низолардан манфаатдор эмасди. Умуман, “Буос” кунидан сўнг кўпчилик ясрибликлар тинчликка, иттифоққа майл билдира бошладилар. Хазраж қабиласидан бир нуфузли кишини шаҳарнинг умумий ҳокими сифатида тан олиш масаласида ҳаммақабил ва уруғ вакиллари орасида музокара ҳам кетарди [4:169]. Шундай вазиятда Ясрибга Муҳаммад пайғамбар бошчилигида мусулмонларнинг ҳижрати (622 йил) юз берди.

Ҳунармандчилик жиҳатидан Ясриб Маккадан устун эди. Агар шаҳардаги ички аҳвол барқарорроқ бўлганда, Ясриб умуман Ҳижозда ҳукмронликка эришиши мумкин эди. Шаҳар аҳли буни тушуниб етган, кўринади. Ички низоларни бартараф қилишга қодир шахс, яъни “ҳакам” Ясриб аҳолиси ичидан чиқмагач, улар ташқаридан бундай шахснинг келишига ва шаҳар-давлат тақдирини ўз қўлига олишига рози бўлдилар [4:174].

622 йили Муҳаммад пайғамбарнинг ҳижратидан сўнг у ердаги мавжуд сиёсий, диний ва этник қарашлари турлича бўлган араб ва яҳудий қабилалари билан бир қаторда фаолият олиб бордилар. Мадина шаҳри янги ташкил топаётган ислом давлати учун пойтахт вазифасини ўтай бошлади. Араб, яҳудий, исломни қабул қилган мадиналиклар ва муҳожирлар ўртасида ягона иттифоқ “хилф”нинг тузилиши бевосита Муҳаммад пайғамбар ғояси амалга ошди. Айни шу шартнома орқали Пайғамбар Мадинадаги мазкур қабилаларни этник бирлик “умма” сифатида бошқарди. Шартномага асосан Муҳаммад пайғамбар ва Мадинадаги араб қабилаларига муҳолифатда бўлишни истаган яҳудий қабилаларини пойтахтдан хайдаб чиқарди. Макка фатҳидан сўнг ҳам Муҳаммад пайғамбар ансорларга берган ваъдаси сабабли Мадинага қайтиб келди. Пайғамбар вафотидан кейин Мадинадаги ўз хонадонига дафн қилинди. Муҳаммад пайғамбарга биринчи ўринбосар бўлиб сайланган халифа Абу Бакр ҳам давлат пойтахтини Мадинада сақлаб қолди. Мадина ҳукмронлигига бўйсунгани истамаган ташқи қабилаларнинг диний-сиёсий (“ар-Ридда”) ҳаракатига барҳам берди. Пайғамбарлик иддаоси билан чиққан мутанаббийлардан Мадинани ҳимоя қилди.

Халифа Умар ибн Хаттоб раҳбарлиги даврида ислом дини Арабистон ярим оролидан ташқарига чиқди. Арабистон ташқарисида янги ҳарбий шаҳарчалар қурилди ва кўплаб ҳудудлар истило этилди. Аммо, табиий, ободонлиги ва шарт-шароити жиҳатидан Мадинадан анча устун бўлган, қадимий тамаддун марказлари бўлмиш Византия, Миср ва Эрон салтанатларига тегишли бўлган шаҳарларидан бирига пойтахтни кўчиришни истамади. Аксинча Мадина шаҳрини ташқи анъаналар андозаси асосида масжид ва мадрасалар қурдириб, кўчалар кенгайтирилди.

Халифа Усмон ибн Аффон даврида Мадина шаҳрини ободонлиги ва янги иншоотлар қурилиши анча жадаллашди. Масжид ва мадрасаларни безаш анъана тусига кирди. Шунингдек, шаҳарнинг ташқи қўриниши, архитектура ва дизайн ташқи анъаналар билан бойиди. Юнон, форс ва қибтий архитектор, қурувчилар келиб шаҳар қурилиши, масжид ва мадрасаларга янгича тус бера бошладилар.

656 йили Усмон ибн Аффонни ўлдирган қўзғолончилар томонидан Али ибн Абу Толибни давлат раҳбарлигига зўрлаб сайланиши, халифалик пойтахти бўлган Мадина шаҳрида беқарорликнинг бошланишига олиб келди. Олдинги халифалар даврида Мадина ҳукмронлигига бўйсунган маъмурий бўлинмалар халифа Алининг раҳбарлигини тан олмадилар. Дамашқ, Макка, Миср, Басра вилоят ва шаҳарлари халифага байъат бермадилар. Натижада Муҳаммад пайғамбар ва илк халифалар томонидан ташкил этилган Марказлашган давлат бир неча қисмларга бўлиниш жараёнини бошидан кечира бошлади.

Халифа Али ибн Абу Толибни ўз халифалиги марказини Мадинадан Куфага қўчириши масаласи ҳозиргача ўз муаммолигича қолмоқда. Манбаларда Али ибн Абу Толибни Мадина шаҳрини ташлаб чиқиб кетишига халифа Усмон ибн Аффонни ўлимида манфаатдорликда айблаган Мадинадаги диний авторитет – уламолар асосий сабаб бўлган, деб ҳисобловчилар ҳам мавжуд [3:423].

Шунингдек, Мадинада юзага келган хунрезликлари учун жавоб бериши керак бўлган қўзғолончи кимсаларни Мадинадаги Пайғамбар саҳобалари ва тинч аҳолини осойишталигини сақлаш учун уларни шаҳардан олиб чиқиб кетишга мажбур бўлган, деган фикрлар ҳам учрайди [2:73].

Халифа Алини Мадинадан чиқиб кетиши борасида турли фикрларнинг мавжудлиги табиий, албатта. Чунки, илк пайдо бўлган турли диний фирқа ва оқимлар айнан Али ибн Абу Толиб шахси билан боғлиқ. Унинг Мадинадан чиқиб кетишга асосий сабаб Али ибн Абу Толибнинг халифалигини тан олмаган Дамашқ волийси Муовия ибн Абу Суфён ҳамда Басрадаги Оиша, Талха ва Зубайрни жазолаш учун Куфага кўчган деган фикрлар ҳам мавжуд [6:218,219].

Тадқиқот олиб бориш жараёнида манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, Али ибн Абу Толибнинг Мадинадан чиқиб кетишига юқорида кўрсатилган фактлар асосий сабаб бўлган бўлиши мумкин. Чунки, манбаларда ва кейинги тадқиқотларда баён этилган халифа Усмон ибн Аффонни ўлими билан боғлиқ Мадинадаги хунрезликлар Мадинада ички тартибсизликларни келтириб чиқарганлиги аниқ. Қўзғолончилар томонидан Мадина аҳлини гаровга олиниши ва уларни қўйиб юбориш учун қўйилган шартларни бажаришга янги тайинланган халифа бажаришга мажбур бўлган. Али ибн Абу Толибдан қўзғолончилар баъзи волийларни ўзгартиришни талаб қилдилар. Халифа Али Басрага Усмон ибн Хунайфни, Яманга Убайдулло ибн Аббосни, Мисрга Қайс ибн Саъдни, Маккага Халид ибн ал-Ос ибн Ҳишомни волий этиб тайинлади [2:74]. Али ибн Абу Толибнинг халифалигига мухолифатнинг кўп бўлишига қарамай унинг давлат раҳбарлиги шарият бўйича қонуний эди. Чунки, унга Муҳаммад пайғамбарнинг кўплаб саҳобалари байъат этгандилар. Янги тайинланган халифага Шом ўлкаси волийси Мовия ибн Абу Суфён ҳам бўйсунмади. Халифа Али томонидан юборилган Саҳл ибн Хунайфни шаҳарга киргизмадилар [2:74] [5:21].

Тадқиқотчи О.Г.Большаковнинг фикрича, халифаликка тайинланган Алининг олдига саҳобалар келиб, ундан Усмон ибн Аффоннинг қотилларини шариат аҳкомлари бўйича жазолашни талаб қилганларида, у “Сизлар билган нарсани мен ҳам биламан. Нима ҳам қила олардим, ахир, улар бизнинг устимизда ҳукм юргизмоқдалар-ку, биз уларни устидан эмас. Улар (қўзғолончилар) билан бирга сизларнинг қулларингиз ҳам бош кўтардилар ва бадавийлар эса уларга қўшилдилар. Улар сизнинг орангизда ва қандай хоҳласалар шундай сизларни хафа қилмоқдалар. Шундай пайтда бу ҳолатдан қандай чиқиб кетишни биласизларми?” [5:20].

Юқоридаги далиллардан кўришиб турибдики, турли фикрлар бир-бирининг ўрнини тўлдириб келмоқда. Демак, Али ибн Абу Толибнинг Куфага пойтахтни кўчиришига юқоридаги барча далиллар туртки бўлган. Биринчидан, Али ибн Абу Толиб қўзғолончиларнинг талаби билан халифа бўлишга рози бўлди. Натижада, Мадинанинг ичи ва ташқарисидаги вилоятларда унга нисбатан халифа Усмон ибн Аффоннинг қотилларини жазоламаганликда айбланди. Иккинчидан, халифа Умар ибн Хаттоб даврида Дамашққа волий этиб тайинланган Муовия ибн Абу Суфён, Маккага ҳажга келган бошқа саҳобалар қатори Талҳа, Зубайр ва Пайғамбар аёлларидан Оиша билан музокара олиб бориш учун Басрага йўл олган. Натижада, Али ва Муовия ўртасида “Сиффин”, Талҳа, Зубайр ва Оиша ўртасида “Жамал” жанглири бўлиб ўтди. Учинчидан, Басрага Мадинадаги кўплаб қўзғолончилар Али билан бирга кетдилар. Натижада, Мадинада яна осойишталик ҳукм сурди. Бош кўтарган қуллар ва бадавийлар ўз ҳолатларига қайтдилар.

#### **Адабиётлар/Литература/References:**

1. Абдулазиз Мансур. “Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири” – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2004, – В. 83.
2. Айдын Али. – Б. 73.
3. Ақром Дийо ал-Умарий. Ас-сийра ан-набавия ас-Саҳиқҳа. Мадина: мактаба ал-Улум вал-ҳикам. 1994.– Б. 423.
4. А.Ҳасанов~. Қадимги Арабистон ва илк ислом жоҳилия асри. –Т . «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2000. – Б. 74.
5. Большаков. – Т. 3. – Б. 20.
6. Ҳасан Иброҳим. – Т. 1. 218-219.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 7 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).